

Дам олиш масканларида фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш

Искандар Ахматалӣевич Миралов

Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази

Аннотация: Ёз мавсумида тоғ ва тоғ олди зоналари, сув ҳавзалари ва бошқа дам олиш учун мўлжалланган ҳудудларга ташриф буюрган саёҳатчиларни юзага келиши мумкин бўлган турли хил кўнгилсиз ҳодисалар, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлар ва бошқалардан муҳофаза қилиш муҳим хавфсизлик тадбирларидан ҳисобланади. Мақолада тоғли жойлар ва сув ҳавзалари бўйларига дам олишга ташриф буюрган фуқароларнинг мазкур ҳудудларда содир бўлиши мумкин бўлган турли хавфлар, фавқулодда вазиятлар ҳақида, шунингдек, дам олиш ҳудудларида хавфсизлик қоидалари ва фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ёз мавсуми, тоғ зонаси, тоғ олди зонаси, табиий, техноген

Protection of the population from emergencies in recreation areas

Iskandar Akhmatalievich Miralov

Tashkent region Emergency Situations Department Life Safety Training Center

Abstract: One of the important safety measures is to protect travelers visiting mountain and foothill zones, water bodies and other recreational areas in the summer from various unpleasant incidents, natural and man-made situations, etc. The article provides information about various dangers and emergencies that may occur in these areas for citizens visiting mountainous areas and water bodies, as well as safety rules in recreation areas and recommendations for correct behavior in emergency situations.

Keywords: summer season, mountain zone, foothill zone, natural, man-made

ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

Енгил конструкцияли дам олиш масканлари - булар пойдеворсиз енгил қурилиш материалларидан тайёрланган чодирлар, айвончалар, супалар ва ҳ.к. бўлиб, дам олувчилардан бир қатор хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши талаб этилади.

Хавфсизлик қоидалари:

- чодирлар, айвончалар ва супаларга жойлашишдан олдин турли хашарот ва судралиб юрувчилар (илонлар) йўқлигига ишонч хосил қилинг;
- чодир ўрнатиш учун турли ёввойи жонзотлар ини, тош, қор ва тупроқ кўчиш хавфи бўлмаган, имкон даражасида дарахт ва буталарга яқин бўлган ҳамда текисроқ жой танланг;
- айвон, супа ва чодирларни барча қисмларини бутлиги ҳамда мустахкам ўрнатилганлигига ишонч хосил беринг;
- транспорт воситаси тиркамаларидаги кўчма уйларга жой танлашда нишабликка эътибор беринг, тўхташ механизмини ишга туширинг ва филдираклар остига башмак қўйишни унутманг;
- бирламчи ўт ўчириш воситалари, тиббий қутича (дори ва бошқа тиббий воситалар билан жамланган) борлигини, уларнинг яроқлилик муддати тугамаганлигини текширинг ва турган жойини эслаб қолинг;
- ушбу қурилмалар тез аланга олиши сабабли ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этинг;
- чодир ичида оловдан фойдаланманг, фойдалансангиз чодирдан узоқроқ хавфсиз жойда фойдаланинг ва қаровсиз қолдирманг;
- оловдан фойдаланиб бўлганингиздан сўнг уни ўчиришни унутманг ва қайта аланга олмаслигига ишонч хосил қилинг;
- фарзандларингизни ёлғиз қолдирманг;
- кўчма бассейнлар олдида болаларни назоратсиз қолдирманг;
- дам олиш масканларидаги болалар майдончаси қурилмаларининг барча қисмлари мустахкамлигига ишонч хосил қилинг;
- электр тизимини диққат билан кўздан кечиринг, симлар ва розеткадаги очиқ жойларни аниқлаганингизда дам олиш маскани маъмуриятига хабар беринг;
- электр энергиясидан фойдаланишда ортиқча юклама берманг, бу ўз навбатида қисқа туташувга олиб келиши мумкин;
- тунги вақтда доимий электр манбаси бўлмаган холларда албатта ёритиш воситаларидан фойдаланиб ҳаракатланинг;
- тунни очиқ табиатда чодирда ўтказсангиз, чодирни барча томонлари зич беркилганлигига ишонч хосил қилинг.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

Агар Сиз дам олиш масканига биринчи маротаба келаётган бўлсангиз чиқиш йўллари ва зинапояларнинг жойлашувини эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

Агар хонангизда ёнғин юз берса:

- зудлик билан содир бўлган ҳолатни ёнғин-қутқарув хизматига, маъмуриятга ёки хизмат кўрсатувчи ходимларга телефон орқали хабар беринг;

- содир бўлган ёнғинни ўчиришда масканда мавжуд бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланинг;

- агар ёнғин ўчоғини ўз кучингиз билан бартараф этишнинг имкони бўлмаса, хонадан чиқиб эшикни кулфламасдан ёпинг;

- хавфли ҳудудни тарк этинг ва маъмурият ёки ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда ҳаракат қилинг;

Хонангиздан ташқарида ёнғин юз берганда:

- зудлик билан воқеа тўғрисида ёнғин-қутқарув хизматига телефон орқали хабар беринг;

- дераза ва эшикларни ёпиб хонангизни тарк этинг ва бинодан ташқарига чиқинг;

- агар йўлаклар ва зинапоялар қуюқ тутун билан қопланган бўлса ва хонадан чиқишнинг иложи бўлмаса, хонангизда қолинг ва дераза ойналарини тўлиқ очинг. Зич ёпилган эшик юқори ҳароратдан Сизни узоқ вақт давомида ҳимоя қилиши мумкин. Тутундан заҳарланишнинг олдини олиш учун тирқиш ва тешикларни сувга намланган сочиқ ёки тўшаклар билан ёпинг;

- жойлашган жойингиз бўйича телефон орқали маъмуриятга хабар беришга ҳаракат қилинг;

- воқеа жойига келган ёнғин-қутқарув бўлинмаларига, дераза олдида келиб, Сизга ёрдам бериш учун белги беринг;

- эвакуация вақтида лифтдан фойдаланиш тавсия этилмайди. Ёнғин тугашини балкон ёки лоджияда кутиш мумкин, бунда балкон эшигини зич ёпиш керак.

Ёнғин конструкцияли дам олиш масканларидаги бино ва хоналарда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш:

- хонада электр иситиш мосламаларидан фойдаланманг (электр чойнак, дазмол, сув иситгичлар);

- хонадан чиқаётганда телевизор, радио, кондиционер, ёритиш чироқларини ўчиришни унутманг;

- хонадаги ёритгич лампалари ва стол лампаларини ёнувчан материалдан тайёрланган буюмлар билан ёпманг;

- ётоқда чекманг ва ўчирилмаган сигаретларингизни қолирманг. Бу ҳаёт учун хавфли;

- лифтдан фойдаланаётганда чекманг сигарет чекилишига йўл қўйманг;

- сигаретни қоғозга мўлжалланган саватчага ташламанг;

- хонада тез аланга олувчи ва ёнувчан моддалар ҳамда материалларни сақламанг.

ТОҒЛИ ҲУДУДЛАРДА ЕР КЎЧКИЛАРИ

Кўчки - оғирлик кучи таъсирида тоғ жинслари ва тупроқ массасининг тоғ ва жарликлар ёнбағри, кўл ва дарёларнинг тик тушган қирғоқлари бўйлаб пастга силжиши.

Кўчки юз берганда ҳаракат қилиши қоидалари:

кўчки хавфи белгилари ўрнатилган ҳудудга кириш қатъиян ман этилади;

кўчки содир бўлганлиги ҳақида хабар берилса зудлик билан ушбу ҳудудни тарк этинг;

кўчки пайтида хавфли ҳудудлар, бу жойдаги дарахтлар, электр симларидан узоқда бўлишга ҳаракат қилинг.

яқин атрофда жабрланганлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг, агар жабрланганлар бўлса уларни қутқаришга ҳаракат қилинг.

ҚОР КЎЧКИСИ

Қор кўчкиси - 20-30 м/с ва ундан ортиқ тезлик билан ҳаракатланаётган ёки пастга сурилаётган қор массаси.

Қор кўчкисига узоқ муддат қор ёғиши, қорнинг шиддатли эриши, zilзила, портлаш ва тоғ ёнбағирларининг тебранишини келтириб чиқарувчи инсон фаолиятининг бошқа турлари, ҳаво муҳитининг тебраниши сабаб бўлиши мумкин.

Қор кўчкиси тушиши мумкин бўлган ҳудудда ҳаракат қилишнинг асосий қоидаларига риоя қилиниши лозим:

қор ёғаётган ва кўриш даражаси паст бўлган вақтда тоққа чиқманг;

тоғда бўлган вақтингизда об-ҳаво ўзгаришларини кузатиб боринг;

тоққа чиқа туриб, қор кўчкиси тушиши эҳтимол бўлган жойларни билиб олинг;

қор кўчкиси тушиши мумкин бўлган жойларни четлаб ўтинг.

Қор кўчкиси, одатда, ёнбағирлар нишаблиги 30° дан ошган, агар ёнбағир яйдоқ бўлса, нишаблик 20° дан ошган жойларда тушади. Нишаблик 45° дан ошган жойларда қор кўчкиси ҳар қор ёққан вақтда юзага келиши мумкин.

Қор кўчкиси вақтида қандай ҳаракатланиши керак? Агар қор кўчкиси катта баландликдан тушаётган бўлса, зудлик билан кўчки йўлидан четга, хавфсиз жойга чиқиб олиш ёки қоя остига беркиниш керак (ёш дарахтлар орқасига яшириниш мумкин эмас). Қор кўчкисидан қочиб қутулишнинг иложи бўлмаган ҳолда, ортиқча буюмларни ташлаб, кўчки йўналиши бўйича горизонтал ҳолатни эгалланг, оёқларингизни қорнингиз томон букиб олинг.

Қор кўчкисига тўқнаш келганда қандай ҳаракатланиши керак? Бурун ва оғзингизни кўлқопингиз, шарф ёки ёқангиз ёрдамида беркитинг, кўчки билан тушаркансиз, кўлларингиз билан сузувчи ҳаракатлар қилиб, қор массасининг четига сурилишга ҳаракат қилинг. Қор массаси ҳаракатдан тўхтагандан сўнг,

юзингиз ва кўкрак қафасингиз атрофида очик жой ҳосил қилинг. Қор қатламини кавлаб чиқишга ҳаракат қилинг (юқори томон қаердалигини сўлагингизни оқизиб билиб олсангиз бўлади). Қор ичида қолсангиз, бақирманг - қор товушни тўла ютади, қичқириш ва кераксиз ҳаракат кучингизни йўқотиб қўйишга олиб келади. Ўзингизни йўқотманг, ухлаб қолманг, сизни қидиришаётганлигини асло ёддан чиқарманг (одамларни қор остидан бешинчи ва ҳатто, ўн учинчи куни қутқариб олишган ҳоллар ҳам маълум).

СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК

Сувда оммавий дам олиш жойларидан фойдаланишда хавфсизлик чоралари - жиҳозланган пляжларга, шунингдек, сувда аҳолининг оммавий дам олиш жойлари сифатида фойдаланиш учун рухсатномага эга бўлмаган каналлар, қўллар, ёнғинни ўчириш сув ҳавзалари, сув тўлдирилган конлар ва бошқа сув ҳавзаларида чўмилиш таъқиқланади.

Сувда дам олувчиларнинг оммавий дам олиш жойларида қуйидагилар таъқиқланади:

таъқиқловчи белгилар ва "Хавфли!", "Чўмилиш таъқиқланади!", "Шўнғиш (сувга сакраш) таъқиқланади!" сўзлари ёзилган жойларда чўмилиш ва сувга сакраш;

тўсиш белгиларидан (буйлар, буй йўлчаларидан) ўтиб сузиш;

моторли, елканли кемаларга, эшкакли кемаларга ва бошқа кичик ўлчамли кемалар яқинига сузиб бориш;

сакраш учун мосланмаган иншоотлардан ҳамда чуқурлиги ва тубининг ҳолати номаълум бўлган жойларда сувга сакраш;

алкоголли маҳсулотларни истеъмол қилиш ва маст ҳолатда чўмилиш;

сувда шўнғиш ва чўмилувчиларни ушлаб олиш билан боғлиқ ўйинларни ташкил этиш;

вояга етмаганларни назоратсиз қолдириш;

сузиш учун автомобиль камералари, тахтачалар ва шу кабилар қўлбола воситалардан фойдаланиш;

пляжлар акваторияларида моторли, елканли, эшкакли қайиқлардан, эшкакли ва моторли кичик ўлчамли кемалардан, сув велосипедларидан фойдаланиш;

кучуклар ва бошқа ҳайвонларни ўзи билан олиб келиш, чўмилтириш, сайр қилдириш;

сув ҳавзаларини ифлос қилиш, қирғоқда ахлатларни қолдириш;

12 ёшгача бўлган болаларнинг ота-оналар назоратсиз якка тартибда чўмилиши;

пиша буюмлар ёки бошқа хавфли буюмларни қолдириш ёки пляж материалига кўмиш;

овқат тайёрлаш ва иситиш учун оловдан фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами 1-ТОМ Тошкент-2024-йил
2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами 2-ТОМ Тошкент-2024-йил
3. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами 3-ТОМ Тошкент-2024-йил
4. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонун. 2000-й 26-май.
5. “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. 2020-й., 17-август.